



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


2018 йил 25 январь, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (13.613)

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ Корея ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг хабар қилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Корея Республикаси Президентини Мун Чжэ Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Инни туғилган куни билан самимий кутлаб, унинг Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

2017 йилнинг ноябрь ойида Сеул шаҳрида бўлиб ўтган тарихий аҳамиятга эга олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани ҳамда икки томонлама муносабатларга аниқ амалий мазмун бахш этгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Президент Мун Чжэ Ин Президентимиз Шавкат Мирзиёевга табрик ва эзгу тилаклар учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президентини тимсолида Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида ҳақиқий дўст, маслақдош ва ҳамқиргда эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси раҳбари, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини юксак баҳолади. Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичи муҳим вазифалари ва устувор мақсадларига кўра муштарак эканлиги қайд этилди.

Мулоқотда икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашди.


Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, илм-фан ютуқлари ва технологияларини Ўзбекистонда сановат ва инфратузилмани модернизация қилиш, ижтимоий секторни ривожлантиришга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикаси Президенти кўп миллатли Ўзбекистон халқини шу кунларда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида ёшлар терма жамоамиз кўрсатаётган ажойиб ўйин ва жамоамиз мусобақа финалига чиққани билан самимий кутлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Президентини Корея Республикаси раҳбарияти ва халқига Пхёнчханда ташкил этиладиган ва жаҳон спорти тарихига қирадиган, ҳақиқий дўстлик ва ўзаро аниқлаш байрамга айланган Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишини чин дилдан тилади.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва аъёнаний яқин ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати хабар қилди.

Президент Нурсултон Назарбоев Қозоғистоннинг Ақтобинск вилоятидаги фожиада ҳалок бўлган мамлакатимиз фуқароларининг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор чуқур ҳамдардлиқ билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбарига самимий ҳамдардлиқ билдиргани ва қўллаб-қувватлагани, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва фожиа сабабларини аниқлашда кўрсатилган тезкор ёрдам учун миннатдорлик изҳор қилди.

Келгусида бундай ҳодисалар рўй беришининг олдини олиш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари, масъул идоралари ва ташкилотлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқотда, шунингдек, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда устувор йўналишлар бўйича минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбоевни яқинда АҚШга амалга оширган расмий ташрифи ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг биринчи марта Қозоғистон раислигидаги мажлиси муваффақиятли ўтгани билан самимий кутлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирдилар.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида кўрғазмили семинар ўтказилди.

● Гулистон давлат университети қошида мактабгача таълим, мактаб, ўрта махсус, касб-хуналар таълими ва олий таълим муассасалари таълимчилигини яхшилаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш, уларга ўқув-методик ёрдам бериш мақсадида Мувофиқлаштирувчи семинар ташкил этилди.

● Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Bio Techno Eco" масъулияти чекланган жамиятига қарашли майиш чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Хориж технологияси билан жиҳозланган корхона қийлиги 182 миң тоннадан ортик йилида саралаб, қайта ишлайди. Бу ерда шишадан мозаика ва плиткалар, фойдаланилган пластмассадан полиэтилен қуурлар, ёғоч чиқиндиларидан брикет, қоғоз чиқиндисидан картон ва қайта ишланган қоғоз, озик-овқат чиқиндисидан биогаз ва биогумус ишлаб чиқарилади.

● Наманган вилояти Косонсой туманидаги иқтисодий таълим ва ҳунардонлик коллежиди ташкил этилган меҳнат ярмаркасида Наманган шаҳри ҳамда Косонсой туманида фаолият кўрсатаётган 90 корхона ва ташкилот 750 бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 80 нафар ишсиз фуқаро ва касб-хунардон коллежиди ташкиривчи билан ишга довлатиш учун йўллар берилди. Чет давлатларда ишлаш истагини билдирган 61 киши Ташкил меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Наманган вилояти филиали томонидан рўйхатга олинди.

● 2018 йил мамлакатимиз нефть-газ соҳасида муҳим воқеа билан бошланди. Устувор минтақасининг Сурғил майдониди газ конденсатининг янги манбаат захиралари топилди. Яқин вақтда мутахассислар томонидан углеводород захиралари ўсишининг баҳоси берилди ва Қуйи Сурғил конида геология кидирув ишларининг кейинги йўналишлари бўйича таклифлар тайёрланади.

ЖАҲОНДА

● Тоғ чангиси мавсуми авжига чиққан шу кунларда Альп тоғларига қалин қор ёғиши ва кучли совуқ катта ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Апенниннинг шимоли-шарқидида курортдан 75 киши кутқариб қолинган бўлса, Швейцариядаги Сармат оромгоҳида тўққиз минг нафар дам олувчи ташки дундан буткул узилиб қолди – бу ерга на транспорт воситалари, на поезд кела олмапти.

● Англия пойтахти Лондон шаҳрида "LUMERE LONDON" арт фестивали ўтказилди. Унда турли мамлакатлардан ташриф буюрган рассомлар ўз санъатларини намойиш этишди. Фестиваль куни Лондон шаҳри очик осмон остидаги Франк галереяга айланди.

● Улкан пойтахти Париж шаҳрида тинимсиз ёғингарчилик туфайли Сена дарёсининг сатҳи 40 сантиметрга кўтарилиб беш метрга етди. Шу боис шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, Эйфель минораси атрофидаги метро бекатлари ёпилди. Ҳафта охирига бориб Сена дарёсининг сатҳи 6 метрга этиши тахмин қилинмоқда.

Н.НАСРИЕВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

2018 ЙИЛГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда партия депутатлик корпуси олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

2018 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳаси илк марта кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида халқимизнинг фикри, таклифлари билан такомиллаштирилди ҳамда унда давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида қўйилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашнинг аниқ йўллари ва механизмлари белгилаб берилган.

Давлат дастури доирасида ишлаб чиқиши белгиланган 37 қонун лойиҳаси, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловли мақсадларига мос равишда "Инновацион фаолият тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Давлат хизмати тўғрисида", "Жамоатчилик назорати тўғрисида" ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этил-

ди. Ушбу жараёнда аҳолининг кенг қатлами, мутахассислар, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида муҳокамалар ўтказиб, уларнинг таклифлари асосида қонун лойиҳаларини такомиллаштириш лозимлиги белгиланди.

Депутатлар Давлат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Муҳокамалар жараёнида, айниқсан, аҳолини ижтимоий жиҳом қилиш ва фуқаролик соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини оширишга доир вазифалар ижроси партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпуси ва фаол-

ларидан янгича ёндашув, ташаббускорликни талаб қилиши таъкидланди.

Ушбу йўналишда белгиланган вазифалар доирасида тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, соғлиқни сақлаш соҳасига "ақлли тиббиёт" тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш, аҳолини арзон нарҳлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш кўзда тутилган партия дастурий мақсадлари рўйбига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Давлат дастури доирасида "Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мухаррам Дадахўжаева. – Скрининг марказларини жиҳозлаш, дори-дармон ва тиббиёт учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш, жумладан, ҳар бир туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига скрининг текширувларини ўтказиш учун 200 та юқори технологияли ультратовуш ташхис қўйиш аппаратларини етказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Давлат дастурининг иқтисодий йўналишида белгиланган вазифалар ҳам партия дастурий мақсадларига тўла ҳамоман эканлиги қайд этилди.

Жумладан, 2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологияли стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюросларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этиш ҳамда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, "смарт" технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тармоқнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш белгиланган.

Йиғилиш якунида Давлат дастури ижросини таъминлашда партия олдида турган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, соҳанинг жадал ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиги кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Юртимиздаги иш билан банд аҳолининг 78 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунда республикада 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич кун сайин ортиб бораётган. Ўз навбатида тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам талаб даражасида бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан ушбу соҳани янада ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-

рини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда. Ана шундай ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан тадбиркорлик субъектлари вакилларини таништириб бериш ва уларга керакли маълумотларни етказиш ҳамда муаммоларини биргаликда ҳал этишга қаратилган очик мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Статистика бошқармаси, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси, Божхона бошқармаси ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар ходимлари ва тад-

биркорлик субъектларидан вакиллар иштирок этишди.

Очик мулоқотда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаганларга яқиндан ёрдам бериш каби бир қатор масалалар муҳофаза этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мақоми, йўналиши ва фаолияти кўламини, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларини бирлаштириб, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқда. Жумладан, палатанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йилда 223 млрд. сўмга яқин даъво аризалари ваколатли судларга киритилган бўлиб, шундан 200 млрд. сўм тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилинди.

Очик мулоқотда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан жавоб қайтарилди. Муаммоларини ҳал этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Абдували СОДИҚОВ



ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида “Муस्ताқил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби” мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда депутатлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ислам Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан Ўзбекистон мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Еш давлатимиз учун гоёта мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашуви олдидан олиб, халқимизнинг тинч-товулликда яшашида бу шахснинг ўрни бекиёс.

Тадбирда сўз олганлар Биринчи Президентимиз ташаббуси билан муस्ताқиллик йилларида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ташкилий асослари яратилгани, уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг муштахам механизми шакллантирилганини алоҳида эътибор этди.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозongan Ислам Каримов қалбларимизда абадий қолиши ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳамати сифатида мангу яшаши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Гулноза БОБОЕВА

Тадбирлар

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури ижроси доирасида “Очик эшиклар куни” тадбири ўтказилди.



Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда беш мингга яқин ҳунарманд ўз устахоналарида “Уста-шогирд” мактаблари ташкил этиб, 12 мингга яқин ёшларга ҳунар сирларини ўргатди.

Мамлакатимизда хусусийлаштирилган давлат мулкни негизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни амалий қўллаб-қувватлаш, давлат мулкидан фойдаланиш самардорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

БЎШ ТУРГАН ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ СОТИШДА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири мазкур қўмитанинг **Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бош бошқармаси бошлиғи Санжар АБДУҚОДИРОВ** билан соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўхбатлашди.

– **Қайта ташкил этилган қўмита зиммасига юклатилган вазифалар қай даражада бажарилмоқда?**

– Қўмитанинг асосий вазифаси хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини шакллантириш ва самардорлигини ошириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини яратишдан иборат.

– **Ўтган даврда қўмита томонидан тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари бўйича муттасил янгиланиб турувчи маълумотлар базаси, хусусийлаштирилган объектлар рестри шакллантирилди ва ишга туширилди.**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида илгари хусусийлаштирилган ва бўш турган корхона ва объектлар хатловдан ўтказилди. Натижада 2 минг 800 тадан зиёд инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Авал хусусийлаштирилган корхона ва объектлардан 1 минг 70 дан зиёди ишга туширилиб, 619,5 миллиард сўм инвестиция маблағлари жалб этилди. Бунинг натижасида тикув, трикотаж, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 7 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Масалан, Андижон вилояти Хўжаобод туманида жойлашган “Нил гранит” масъулияти чекланган жамияти томонидан трикотаж

матосини тўқиш-бўяш ҳамда калава ипларни бўяш ташкил этилган. Киритилган инвестиция микдори 4,4 миллиард сўмни ташкил этади. 50 янги иш ўрни яратилди.

Наманган вилояти, Косонсой туманида жойлашган “Терри жар текстиль” масъулияти чекланган жамияти томонидан калава ипни бўяш ва сочик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этилган. Киритилган инвестиция микдори 12,8 миллиард сўмни ташкил этади. 70 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

2018 йилда хусусийлаштирилган, лекин фаолият юритмаётган корхоналарда янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш мақсадида мулкдорлар ва тижорат банклари иштирокида 1,3 мингдан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу мақсадда жорий йил 2 триллион сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш ва 15 мингга яқин иш ўринини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

– **Айтинг-чи, аввал хусусийлаштирилган корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслиги ва бўш турганлик ҳолати тахлили натижалари нимани кўрсатмоқда?**

– Корхона ёки объектнинг ресурслардан бўш туришига қўллаб-қувватлаш бўлиши мумкин. Мулкдорнинг амалий лойиҳаси бўлмаслиги, лойиҳа бўлса маблағ йўқлиги, иккаласи ҳам бўлса, коммуникация тармоғи мавжуд бўлмаслиги ёки қайсидайдир давлат инвестиция рухсат берувчи ҳужжатларни олишдаги муаммолар шулар жумласидандир.

Шу каби муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида солиқ, статистика, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органлари ва “Ягона дарча” марказлари билан интеграциялашган, мунтазам янгиланиб борувчи база яратилди.

Ўз бизнесини юритиш учун тадбиркорларда билим ва кўникмани шакллантириш мақсадида қўмита ҳузурда Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ташкил этилди. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлиmlари очилди.

Бугунгача 407 та курс ташкил этилиб, уларда 7 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ходимлари ўқитилди. Курсларда ўқиш бепул бўлиб, иштирок этиш учун ҳеч қандай чеклашлар жорий этилмаган.

– **Жорий йилда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси олди-га қандай долзарб вазифалар қўйилди?**

– Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этишни мақсад қилганмиз. Жорий йилда давлат мулкидан самарали фойдаланиш борасида амалга ошираётган ишларни давом эттириб, бўш турган давлат мулк объектларини сотиш очкилигини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда интернет тармоғида электрон савдо-ларни йўлга қўйиш бўйича тизим яратилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 45 та кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, улар негизда 883 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларга 116,4 миллиард сўм ва 31,3 миллион АҚШ доллари микдорида инвестициялар жалб этилди. 2018 йилда ташкил этилиши белгиланган саноат зоналари бўйича ер майдонларини белгилаш, замонавий ишлаб чиқариш лойиҳаларини тайёрлаш, хоризий инвесторларни жалб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш кўзда тутилган.

Гўзал САТТОРОВА сўхбатлашди

ЎЗЛИК ВА УЛУҒЛИККА БОШЛАГАН СИЙМО

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида жойларда учрашувлар, тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этилмоқда.

Миробод туманидаги 110-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ташкил этилган “Ислам Каримов – миллий армиямиз асосчиси” деб номланган тадбирда мактаб директори ўринбосари О.Қодиров ва бошқалар Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўзининг серқирра сиёсий фаолияти билан ўчмас из қолдирган Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш навиқрон авлодининг қомил ва ватанпарвар инсонлар бўлиб ўлгайишида катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ислам Каримов муस्ताқил Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган тарихий шахс ва сиёсий арбобдир. Биринчи Президентимиз Ватанимизни энг қалтис ва оғир вазиятлардан олиб чиқиб, эркин ва обод давлатга айлантирди.

Давлат қурилишининг жуда муҳим ва узвий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барпо этилиши ва унинг тараққиёт даври ҳам бевосита Ислам Каримов сый-ҳаракатлари ва эзгу ташаббуслари билан боғлиқ. Хусусан, Мудофаа вазирлигининг ташкил этилиши, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси тасаруфига ўтказилиши, 14 январь – Ватан Ҳимоялари кўни деб эълон қилиниши, махаллий ҳарбий кадрлар масаласини ҳал қилиш мақсадида ҳарбий таълим соҳаси тубдан ислох қилиниши шулар жумласидандир.

Тадбирда капитан Муҳаммадсоли Дўстқулловнинг миллий армиямизнинг разведкачи гуруҳлари халқаро мусобақаларда эришяётган ютуқлар ҳақидаги ҳикояси ўқувчиларда катта таассурот уйғотди.

– Биз гуруҳимиз билан ўтган йили икки марта ба халқаро ҳарбий мусобақаларда катнашдик, – дейди у. – Ўтган йилнинг июль-август ойларида Россияда ўтказилган мусобақада учинчи ўрин, октябрь ойида Буюк Британияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда иккинчи ўринни эгалладик.

Разведкачи гуруҳларнинг ҳарбий-тактик чиқишлари, миллий армиямиз фаолиятини акс эттирувчи кўргазма намоиши барчада катта қизиқиш уйғотди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Жанубий Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ўртасида 2018-2021 йилларда "Тошкент ахборот технологиялари университетига интеграциялашган таълим ахборот тизими" лойиҳаси ижросига доир протокол имзоланди.



Ахборот-коммуникация технологиялари

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Мазкур лойиҳа Тошкент ахборот технологиялари университети ва Жанубий Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) мутахассислари ҳамкорлиги доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув жараёнини ташкил қилиш ("e-learning") ва "электрон кутубхона" ("e-library") тизимларини яратиш, ривожлантириш ва амалиётга жорий этиш, олий ўқув юрти ишлаб чиқилаётган дастурий ечимларнинг барча компонентлари самарали ишлашини йўлга қўйиш учун зарур техник воситалар билан таъминлашни кўзда тутди.

Тошкент ахборот технологиялари университети нафақат ахборот-ресурс маркази фаолияти, балки ўқув жараёнига ҳам интеграция қилинади, ушбу ечимларни мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрларида жорий этиш бўйича стратегик режа ҳам ишлаб чиқилади.

Бу ТАТУ ва унинг Самарқанддаги филиали моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва айни пайтда ишлаб чиқилаётган тизимлар самарадорлигини текшириш учун қулай синов майдончасини ташкил этиш имконини ҳам беради.

Роман БОНДАРЧУК

МАДАНИЯТ – МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолияти, ушбу тизимда ўтказилаётган тадбирлар, мамлакатимиз маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, сўнгги янгиликлар, истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди, дея хабар қилади ЎЗА.

Маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур соҳа равнақида кўрсатилаётган катта эътибор миллий маданиятимиз, санъатимиз равнақида улкан ижобий ўзгаришларга асос бўлаётганини таъкидлади.

Соҳага оид кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юртимиздаги барча театрлар фаолияти атрофича таҳлил этилди. Янги ташкил этиладиган, қуриладиган, реконструкция қилинадиган, мукаммал таъмирланадиган, жиҳозланадиган театрлар бўйича манзилли дастур тайёрланди.

Музейлар соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида ташкил этилган Республика комиссияси томонидан жойлардаги музей ва кўргазма муассасаларининг иши пухта ўрганилиб, хатловдан ўтказилди. Бу соҳада қонунчиликнинг тобора такомиллаштирилаётгани музейлар ишини янада яхшилаш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини орттириш, мозийгоҳлар фаолияти бўйича кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, илмий-амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилиб, музейшуносликнинг таълим билан интеграциясини таъминлайди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида актёрлик санъати, Ўзбекистон давлат консерваториясида эса мақом бўйича ёшларнинг чуқурроқ таҳсил олиши йўлидаги имкониятлар кенгайтирилди. Болалар мусика ва санъат мактабларидаги мусикий таълим сифати ва савияси давр руҳига уйғун ташкил этилиб, мазкур билим даргоҳларига таниқли санъат усталарининг бириктирилиши "устоз-шогирд" мактаби аъёнларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

2017 йилда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивалининг совриндорлари иштирокидаги концертлар, фаворалар сайлав таваллудининг кўтуғу саналари, "Бойсун баҳори", "Рақс сеҳри", "Ёшлик баҳори" каби фестиваллар, мақом чечалари байрамона руҳда ўтказилди. Жаҳонга таниқли санъат юлдузларининг концертлари бўлиб ўтди. Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Кувайт каби давлатларда ташкил этилган Ўзбекистон маданияти кунлари миллий мусика, рақс, амалий ва тасвирий санъатимизнинг нечоғли бой ва ранг-баранг эканини намойиш этди. Турли ижодий таловлар мусиқанинг кўплаб йўналишларида янги-дан-янги истеъодларни кашф этди.

Матбуот анжуманида Маданият вазирлигининг истиқболдаги режалари хусусида атрофича маълумотлар берилди.

ТАЪЛИМДА БЕФАРҚЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Фарзандингиз дарсларни қандай ўзлаштиряпти? Кимлар билан дўст? Мактабдан кейинги бўш вақтини қандай ўтказмоқда? Унинг юриш-туриши, қизиқишини ўрганиб борасизми?

Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча мактабларида ўтказилган ўқув масканларининг 2018 йилги режалари ва галдаги вазифаларига бағишланган тақдимот йиғилишларида шу каби долзарб масалалар кенг муҳокама этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 3 январь кунини Вазирлар Маҳкамаси комплекслари фаолиятини таҳлил қилиш ва янги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилишда мактаб таълими сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, соҳада кечаётган ўзгаришлардан ота-оналарни хабардор этиш, уларни таълим даргоҳларининг истиқболдаги режалари билан таништириш, ўқитишнинг сифати ва мазмунини, маънавий-ахлоқий ишлар кўламини юксалтиришга оид тақлиф-мулоҳазаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Ўқув масканларининг 2018 йил режаларига бағишланган тақдимот тадбирларида шу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 64-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тақдимотга ота-оналар билан бирга ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари тақлиф этилди.

Мазкур мактаб директори Муборак Юсупова жорий ўқув йили давомида ўтказилган билимлар беллашувлари, турли маърифий тадбирларда ўқувчилар фаол иштирок этганини таъкидлади. Болаларни турли тўғарақларга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, ўсмир ёшдаги болаларни турли иллатлардан ҳимоялаш долзарб эканини қайд этди.

– Аввал фарзандларим, энди эса невараларим шу мактабда ўқимокда, – дейди ЎЗА муҳбирига "Нур" маҳалласи фаоли Т.Собиров. – Мактаб режасига оид тақдимотнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида ўтказилиши яхши ташаббус. Имкониятларнинг қадрига етмай, тўқликка шўхлик қилиб, ўзини ҳам, ота-онани ҳам мулзам этаётган айрим ўқувчилар мисолида бошқалар ўзи учун тегишли хулоса чиқариши, таълим-тарбияга масъулият билан ёндашиши учун бундай тадбирлар яхши имкониятдир. Негаки, таълим-тарбияда бефарқлик, хотиржамлик кетмайди.

Тадбирда мактабнинг келгусидаги режалари, таълим маскани, маҳалла, ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш хусусида батафсил сўз юритилди. Ўқишда, жамоат ишларида тенгдошларига ўрناк бўлаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар топширилди.

Н.УСМОНОВА

Тошкентдаги Инҳа университети ва "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Ҳужжат давлат инновацион сиёсатини ҳамкорликда амалга ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига жорий қилиш учун инновацион маҳсулотлар яратиш мақсадида ёш ихтирочи ва рационализаторларни рағбатлантиришни кўзда тутди.

Бунда Тошкентдаги Инҳа университети талабалари ишлаб чиқариш амалиётини "Ўзбекистон почтаси" АЖ кор-

хоналарида ўташи, қайинчалик шу ерда ишлаш имкониятига эга бўлиши кўтилмоқда. Университет ўқитувчилари логистика ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида АЖ мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига жалб этилади. Йўлга қўйилган ҳамкорлик амалий-илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни яратиш ва ишлаб

чиқаришга жорий этишга йўналтирилган қўшма тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Томонлар инновацион ва ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш масалалари бўйича биргаликда турли семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ташкил этади, ўқув-услубий тавсиялар ва адабиётлар нашр қилади.

(ЎЗА)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНАЙЛИК

Кўпчилик қишнинг совуқ кунларида электр мосламаларидан фойдаланади. Бу эса электр энергияси сарфини сезиларли даражада оширади ва энергия тармоғининг ишлашида муайян қийинчиликлар туғдиради.

Электр энергияси истеъмоли йилдан йилга ортиб бормоқда ва бу аҳоли фаровонлигининг ошаётгани билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электр таъминоти тармоқларининг иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни модернизация қилиш, шунингдек, пойтахтимиз аҳолиси ҳамда қорхоналарга узлуksиз сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2009 йил 22 августда "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор қабул қилди. Унда электр энергиясини етказиб берувчилар ва унинг истеъмолиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белги-ланган.

Электр энергиясига бўлган талабнинг ошиб бораётгани унинг сарф-харажатларини камайтириш ҳамда ундан тежамкорлик билан фойдаланиш услубларини қўллашни тақозо этмоқда. Шунинг учун энергия тежайдиган ускуна ва мосламалардан фойдаланиш соҳадаги муҳим вазифалардан биридир. Бу истеъмоли қилинаётган умумий энергия ҳажминини камайтирибгина қолмай, балки истеъмолилар маблағини ҳам тежаш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва кенг фойдаланилаётган энергия тежайдиган ЛЕД лампалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Кам энергия сарфлайдиган ушбу лампалардан узоқ муддат фойдаланиш мумкин.

Яна бир долзарб масала бўлган электр ҳўжаликларини тартибга солиш мақсадида "Ўздавэнерго-назорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мунтазам равишда режалар текширишлар ўтказилмоқда. Режалар текширишлар натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан нооқилона фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмаларни белгиланган

қоидаларнинг талабларига жавоб бермайдиган қониксарсиз техник ҳолатлар аниқланиб, ушбу электр қурилмалар электр тармоқларидан узиб қўйилмоқда. "Истеъмолилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг 11-банди талабига асосан қорхонада электр ҳўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши, қоида талабларида электр ҳўжалиги бўйича жавобгар шахсининг асосий вазифалари – электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш, қорхонада мавjud қурилмаларни янги замонавий технологияга мос ускуналар билан алмаштириш ишларида қатнашиш, ноанъанавий энергия манбааларидан фойдаланиш, шунингдек, электр ва иссиқлик энергияси захираларини аниқлаш бўйича тадбирлар тузиш, маҳсулот бирлигига сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясини солиштирма меъёрларини ишлаб чиқишда қатнашиш, электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли хисоботларини тайёрлаш ҳамда электр қурилмаларни белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туришдан иборатдир.

Юқоридагиларга қўра, тадбиркорлик субъектлари раҳбариятлари ўз қорхоналарида электр ҳўжалиги бўйича малакали жавобгар шахс тайинланиши, ҳўжалик юритувчи субъектларда юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнгин ҳолатларининг олди олинади.

Электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш энергия таъминоти тармоқларини реконструкция ва модернизация қилишнинг муҳим омилларидандир.

Истеъмолини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш минглаб одамлар меҳнати самарасидир. Ундан оқилона фойдаланиш орқали биз нафақат ўз бурчимизни бажарган, балки мамлакатимиз фаровонлигига ҳам ҳисса қўшган бўламиз.

Шораҳим ШОАХМЕДОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОЙЛИК ЖАМЛАШ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ва унинг таркибидagi қорхоналарнинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини алмашиш тартибини тезкорлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг январь ойидан бошлаб бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ойлик жамлаш ва консолидация қилиш тизими жорий этилди.

Ҳисоботларни "Электрон рақамли имзо" (ЭРИ) воситасида амалга ошириш жамият таркибига кирувчи қорхона ва ташкилотлар молиявий ахборотларини қабул қилиш ва таҳлилини амалга ошириш тезлигини таъминлайди. Тақдим этилаётган маълумотлар ЭРИ воситасида бажарилиши жойларда туриб ҳисоботларни тақдим этиш имконини яратди. Шунингдек, молиявий маълумотлар ва қилинган таҳлиллар бўйича чиқарилган хулоса ва кўрсатмаларнинг бажарилиш даври узвийлиги таъминланди.

– Иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошликни ошириш шароити талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш қорхоналарида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни такомиллаштиришда ҳорижий тажрибадан фойдаланиш масаласи муҳим ўрин тутди, – дейди ЎЗА муҳбирига "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. – Янги жорий этилган тизим қорхоналар молиявий кўрсаткичларидан ўз вақтида ва доимий хабардор бўлиш, иқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида керакли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш имконини беради.

"Ўзбекэнерго" АЖ томонидан молиявий ҳисоботларни халқаро андозалар талабларига мос равишда шакллантириш тизимини жорий этиш вазифаси ҳам жорий йилда амалга ошириладиган вазифалардандир.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

САРҲИСОБ

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази Ягона давлат интерфаол хизматлари порталининг 2017 йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилди.

Ҳисобот даврида "давлaт интерактив" ва "автоматлаштирилган хизматларини такомиллаштириш ҳамда оммалаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ишбилармонлик, кўчмас мулк операциялари, солиқлар тортиш, давлат ҳужжатлари бериш каби соҳаларда янги интерактив хизматлар ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган ишлар туфайли ўтган йилнинг охирига келиб, порталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 239 мингдан ошди. Янги хизматлар жорий этилиши билан бирга, ЯДИХП мавқеи ҳам ортиб бормоқда, аксарият одамлар давлат органларига қоғоз орқали эмас, балки электрон тарзда мурожаат қилишни афзал кўрмоқда. Шундай қилиб, 2017 йил давомида порталга хизматлардан фойдаланиш юзасидан 762 мингдан ортиқ ариза келиб тушган. Ўтган йил декабрь ойининг ўзида 91 минг хизмат кўрсатилган. Бу хизматларнинг 92 фоизини божхона хизматлари ташкил этган. Ташқи савдо шартномалари ҳақида маълумот тақдим қилиш, божхона органларига юк декларациясини электрон тарзда топшириш хизматлари шулар жумласидандир.

2017 йилда давлат органлари орасида энг оммабопи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайти бўлди. Молия вазирлигининг бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича интерактив хизматларига 34 мингдан ортиқ фойдаланувчи мурожаат қилган. Бундан ташқари, ҳукумат портали (gov.uz)га 13 минг фойдаланувчи ташриф буюргани ва у 79 минг марта қўрилгани қайд этилган.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси, қорхона эътиёби учун НР Т770 русумли плоттерга 2 комплектдан, снгиими 130 мл. бўлган 6 хил рангли картриджлар (С9374А, С9370А, С9373А, С9372А, С9371А) етказиб бериш ишлари юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Буюртмачи: Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси.
Буюртмачи белгиланган ишларни туғатиш муддати: 10 кун.
Молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел: 244-62-16, 241-77-29. Факс: 239-35-01. E-mail: info@kadastr.uz
Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.
Тижорат тақлифлари раҳбар имзоси ва қорхонанинг мўҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"WELL MEGA SUN" (ИНН 304574976) устав фонднинг 50 000 АҚШ долларидан 35 820 АҚШ долларига ҳамда 5 000 000 сўмдан 1 440 000 сўмга камайлганлигини маълум қилади.
Эътирозлар эълон нашр этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.
Тел: +99898 303-80-70

Малоҳат опа ўглининг қистови билан эндигина 17 ёшни қаршилаган Адолотни келин қилишга рози бўлди. Аввал совчилик, сўнг орзудагидек тўй бўлиб ўтди. Қизини тезроқ "эгаси"га бериб, зиммасидаги вазифани бажарган ота-она фарзандининг келгусидаги мақсадлари, келажаги ҳақида ўйламади ҳам.

Икки ёш тиббий нуқтага назардан соғлом. Аммо келинчақ оилавий ҳаётга, турмушнинг "мушт"ларию турли қийинчиликларига руҳан тайёр эмас эди. Ёш бўлгани боис, ҳомиладорлик даври мураккаб кечаётганди. Уй-рўзгор деб қайнона-қайнота, турмуш ўртоғининг кўнглига йўл тополмасди...

тиббиёт бирлашмаси гинекологи Гавҳар Жабборова. — Она ва бола ўлими кўрсаткичи бошқа ёшдагиларга нисбатан эрта турмуш қурган аёллар ўртасида кўпроқ содир бўлади.

лари қарорини ҳурмат қилиши, тўғри йўлни кўрсатиши мўҳим. Ота ўз ўрнини йўқотиб, аёллар ҳукмрон, катталар ўзи билан ўзи овора бўлаётган оилада ёш ниҳоллар тўғри йўлдан адашади.

Ҳаёт сабоқлари
ФАРЗАНДНИ КЕЧА ВА КУНДУЗ ТАРБИЯЛАЙДИ

бир ишнинг бошини тутиб, рўзгор тебратишга тайёр бўлганидан сўнг уйлантириш эзгу орзу-мақсадларга етишнинг бирламчи қадамларидандир.

Аммо тарбияга эътибор бермайди. Ёки уларнинг моддий эҳтиёжини ҳисобга олмай хато қилади. Шайх Саъдийнинг фикрича, "...икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда яшашга ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, оиласи, фарзанди, эзгу ишлар учун фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб унга амал қилмаган одам".

Зеро, юртимизда қиз болаларнинг — бўлгуси оналарнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши, ўрта мактабдан сўнг таълим олишни давом эттириши, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши масаласи алоҳида эътиборда.

Хар томонлама баркамол, соғлом тафаккурли авлодни вояга етказиш замон ёки макон танламайди. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашда маҳалла, оила ва бир қатор ташкилотлар ўзaro ҳамкорлик қилмоқда.

— Оила қураётган икки ёш жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳан соғлом, билимли, юксак маънавиятли бўлса, бундай оилада соғлом фарзандлар дунёга келади, — дейди пойтахтимиздаги "Шодлик" никоҳ уйи мудири Расиё Қорабоева. — Соғлом фарзанд миллат бардавонлиги, оилалар мустаҳкамлиги, жамият барқарор ривожланишининг асосий омилларидандир.

— Оила — илмий-амалий маркази томонидан эрта никоҳ тўғрисида аҳолининг фикрини билишга оид "Ўзбекистонда эрта никоҳ муаммолари" мавзусида ўтказилган ижтимоий-психологик сўров натижалари келин ёки кўев топишда, ёш

бўлса-да тўй қилишда асосий танловлар ота-оналар томонидан амалга оширилаётганини кўрсатмоқда.

"Оилани мустаҳкамлашда миллий қадриятлар ва меросимизнинг ўрни ва аҳамияти", "Оилани мустаҳкамлашда ҳуқуқий саводхонликнинг ўрни", "Ўзбекистонда оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг кафолатлари", "Оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тавсиялар", "Оилавий ҳуқуқий муносабатлар" каби ҳуқуқий ва "Расм чизиш фарзандингизга нимани ўргатади?", "Оилада нутқ одоби ва маданияти ҳақида", "Оилавий тарбия ва фарзандлар маънавияти", "Эгиз мўъжиза учун алла", "Фарзандингизга муносиб исм қўйинг" каби маънавий услубий қўлланма, рисоалар чоп этилиб, хонадонлар, таълим муассасалари, маҳаллаларга етказилмоқда.

Маҳаллалар қошида ташкил этилган "Ота-оналар университети", ФХДлардаги "Ёш оила қурувчилар мактаби", таълим масканларидаги "Ораста қизлар" тўғрақларида мунтазам ташкил этиладиган мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, семинарлар ажрашилларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш, ҳулқий оғишларни камайитиришга ҳизмат қилаётди.

Семинар-тренинглр давомида мутахассислар оила, садоқат, вафо, турмушда учраб турадиган руҳий зарбаларга қарши туриш каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда.

— Бу каби савий-ҳаракатлар ёшларнинг ҳаётий билимларини мустаҳкамлаётган бўлса-да, ажрашиллар, оилалардаги низолар бартараф этилаётгани йўқ, — дейди психолог, Чирчиқ техника касб-хунар коллежи директори ўринбосари Вилора Давлетова. — Турли учрашувлардан маълум бўлганлики, факатгина ёш оилалар учун эса, балки кексалар учун ҳам руҳшунос маслаҳати марказларини кенгайтиришга эҳтиёж ортмоқда. Шунда ўз фарзандининг айбини яшириб, ўзанинг боласини қоралашга уринаётган ёш ишларга ҳам кўмаклашилган бўлармики?!

Тўқис оилада улғайган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун дадил интиладиган, ҳаётдан, тақдирдан, Ватандан рози бўлиб яшайдиган авлод эзгулик билан машғул бўлади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

"101"

ҚУРИЛИШ ЖОЙЛАРИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, қурилиш объектларида содир бўлаётган ёнгинлар салмоғи кичини ташвишга солади.

Янги қурилатган иморатлар орасида ёнгинга қарши масофа қолдиришни ёки иморатлар орасида гишдан кенглиги 20 см. ва баландлиги 60 см. бўлган девор қуришни унутмаслик мўҳим.

Қурилиш тугалланмаган ёки ишчиларни яшамаслиги, турли носоз элнор инситиш пелларини ишлатмаслик, очик оловдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши мўҳимдир.

Олиб борилаётган ишларнинг бари ёнгинларнинг олдини олиш, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечирини таъминлаш иборатдир.

Улугбек АҲМЕДОВ, Учтепа тумани ЁХБ катта инспектори, кичик сержант

Ёнгинлар халқ ҳўжалиқларида катта моддий зарар етказиши барчага аён.

Айнан ёнгин бир неча дақиқа ичда катта миқдордаги халқ бўйлиқларини ёндириб, қўлга айлантиради. Яна бир жиҳати эса ёнгин тўғрйлай акралиб чиқадиган тўтун ва бошқа зарарли ҳидлар атмосферага қўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бу эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги, уларнинг олдини олиш юзасида чоратадбирлар қўрилмаганлиги, қоидабузарликларга йўл қўйганликлари оқибати турли кўнгилсизликлар юзага келмоқда. Аҳолининг қўйиш ҳолатлари асосан ёнгинларда эҳтиётсизлик ва очик оловдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилиши натижасида содир бўлмоқда.

Содир бўлган ёнгинларни келиб чиқиш сабабларини электр усканалардан фойдаланиш, пелларни қуриш ва ишлатиш қоидаларини бузилиши, очик алангадан фойдаланиш оқибати, болаларни олов билан ўйнаши натижасида, транспорт воситаларидаги камчиликлар, технологик ҳодисалар (авария) ташкил этади.

Фуқаролар томонидан ёнгин хавфсизлигига эътибор қаратмаслик натижасида ёнгиндан турли хилдаги тан жароҳати ва ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу сабаб ҳар биримиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига беъэтибор бўлмайлик.

Нодирбек ТУРДИЕВ, Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушутириган ҳолда унинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёнгинларнинг олдини олиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шiori ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассасанинг жамоасига тааллуқли.

Аҳолига ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида чунончи, очик оловдан фойдаланилаётганлида эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган ускуналарни ишлатмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлигини эслаб ўтатиш.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса, йиллаб тўпланган мол-мулк, уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

Атҳам КЕНЖАЕВ, Ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси катта инспектори, сержант, Абдурахмон АБДУХОЛИКОВ, ЁХБ кичик инспектори, сержант

Кундан кун чирой очиб бораётган пойтахтимиздаги қурилиш, ободонлаштириш ишларини шахримизнинг ҳар бир гўшасида кузатишимиз мўҳим.

Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилмоқда. Баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал сурьатларда олиб борилаётган бир пайгада ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам ушбу масканларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш талаб этилади. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши мўҳим. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беминнат хиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида хавфсизлик ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари орқали ўзлари ҳамда оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

С. АМАНТУРДИЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 1-сон пансионати ЁХБ инспектори, лейтенант

"Ватанпарвар"

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ЁШЛАР

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар ташкилоти ташаббуси билан "Чилонзор ЎСТК" унитар корхонасида Тошкент шаҳрида Олимпиада уйинлари дастурига киритилган пневматик милтиқдан ўқ отиш спорти билан шугулланаётган 18 ва ундан кичик бўлган ёшлар ўртасида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилотининг раиси ўринбосари У.Жўраев очиб берди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиздаги мислсиз ўзгаришлар, таълим, спорт, бир сўз билан айтганда барча жабҳаларда янгича ислохотлар амалга оширилаётгани, тинчлигимизни таъминлашни йўлида миллий армиянинг салоҳияти ва кучи кун сайин юксалиб бораётгани, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам бу борада ўз ҳиссасини қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда спорт техникаларининг кўргазмалари ҳам намойиш этилди. "Нихол" мукофоти совриндори, "Ўзбекистон — Ватаним меним!" кўрик-танловни голиби Бунёдбек Сиддиковнинг Ватан ва мардликни мадҳ этувчи қўшиқлари тадбирга янада кўтаринки кайфият бағишлади. Сергели туманидаги 598-мактабгача таълим муассасасидан таклиф этилган тарбияланувчи болаларнинг саф тортиб юриши, саф қўшигини маром билан қўйлаши, улар қалбида ватанпарварлик хисси болалик чоғларидан шаклланиб бораётгани аққол намоеён қилди. Спортда абжир, чаққон ёшларнинг

чиқишларини томоша қилган МТМ тарбияланувчилари уларга ҳавас билан боқишди. Қизгин ва дўстона руҳда ўтган мусобақа натижалари бўйича голиб чиққан спортчи ёшларга Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан дипломлар ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай мусобақалар ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш билан биргача уларни спорт турларига бўлган қизиқишларини орттиришга ҳизмат қилади.

Зийда РАСУЛОВА

ТАОМЛАР АУТСОРСИНГ ТИЗИМИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталидаги ошхона капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Энди мазкур ошхонада таомлар аутсорсинг тизимида тайёрланиб, беморларга етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан мазкур ошхона "Ворис келажак" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан капитал таъмирланди. Режага мувофиқ, таъмирлаш ва қайта мувоозлаш ишларига 2 миллиард 150 миллион сўм сарфланди. Шундан 850 миллион сўмга 40 та замонавий овқат тайёрлаш ва сақлаш ускунаси олиб келинди. Ошхонада бир вақтининг ўзида 600 кишига парҳез таомлар тайёрлаш имконияти мавжуд.

Мазкур таомхона аутсорсинг тизимида фаолият кўрсатади. Мудофаа вазирлиги ўринбосари Азизбек Икромовнинг таъкидлашича, бу тизим озиқ-овқат таъминоти сифатини янада яхшилаш, ошхоналар таомнома-

сини кенгайтиришга ҳизмат қилади. Тизимга мувофиқ "Бунёд борака бизнес" хусусий корхонаси озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдан тортиб, беморларга таом етказиб беришга бўлган барча жараёнларни амалга оширади. Ошхонада ҳар кунлик белгиланган қатъий таомномага асосан овқат тайёрлайди.

Ошхонада озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ишлов беришга мўлжалланган алоҳида хоналар мавжуд. Ҳар бир хона замонавий технологик жиҳозлар, юқори сифатли идиш-товоклар билан таъминланган. Бу эса ҳарбий хизматчиларнинг сифатли овқатланишлари учун қулай шaroит яратмоқда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси 2018 йил иш фаолияти давомида фойдаланиладиган А3 форматда (ички вагаи 100 бет) ҳамда А4 форматда (ички вагалари 150, 250 бетли) архив ва идоравий ҳужжатларни қаттиқ муқовали китоб шаклига келтириш мақсадида ташкилотлар ўртасида

Тошкент вилояти прокуратураси қуйидаги техника воситаларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент Оқшоми
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мўҳим.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 26 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнганчилик бўлмайдми. Шарқдан секундага 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража соғуқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй